

ЛИЗИНГ ШАРТНОМАВИЙ - ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Исломов Баҳридин,

Судьялар олий мактаби магистранти

Аннотация:

Мамлакатимиз агросаноат мажмуи тармоқларида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, тадбиркорликни ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ривож топиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарни қўллаб-куватлаш мақсадида уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш шакли сифатида фермер ва деҳқон хўжаликлири қарор топган бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий аҳволи замонавий ва юқори унумдор қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олишга имкон бермайди. Бундай шароитда лизинг тизимидан фойдаланиш зарурияти янада долзарблик касб эта бошлади. Чунки, фақат лизинг орқалигина бир вақтнинг ўзида катта маблағ сарфламасдан туриб асосий ишлаб чиқариш воситаларини тезда янгилаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш ва шундан кейингина ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва ҳажмини ошириш мумкин бўлади. Ушбу мақола лизинг шартномавий – хуқуқий муносабатлар субъектлари ҳисобланган лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчининг хуқуқ ва мажбуриятларини ёритишни мақсад қиласди.

Калит сўзлар: лизинг шартномаси, лизинг берувчи, лизинг олувчи, сотувчи, хуқуқ ва мажбуриятлар.

Annotation:

As a result of the structural changes implemented in the agro-industrial sector of our country, the development of entrepreneurship, the development of farmers' and peasant farms, and the activities aimed at the development of enterprises that provide services to them in order to support the enterprises that grow agricultural products, farmers and peasant farms have been established as the main form of economic



Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th July, 2023

ISSN: 2835-5733

Website: econferenceseries.com

management in agriculture. , their production volume and financial situation do not allow to purchase modern and highly productive agricultural machinery. In such conditions, the need to use the leasing system has become more urgent. Because, only through leasing, it will be possible to quickly update the main means of production, introduce modern technologies to production, and only then increase the quality and volume of the produced products without spending large amounts of money at the same time. This article aims to clarify the rights and obligations of the lessor, the lessee and the seller, who are the subjects of the contractual-legal relations of leasing.

Key words: lease agreement, lessor, lessee, seller, rights and obligations.

Хар қандай фуқаролик ҳуқуқий шартнома ўзининг обьекти, субъектларинг таркиби, мазмуни ва шартларига кўра бир биридан фарқланиши юридик адабиётларда ўз тасдигини топган. Лизинг шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш улар ўртасида турли низоларни олдини олишга, мажбуриятларни ўз вақтида адо этишга хизмат қиласди. Шу маънода, ФК ва “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилган. Унга кўра, лизинг берувчи қуидаги ҳуқуқларга эгадир:

лизинг олувчининг лизинг обьектидан қандай шароитларда фойдаланаётганлигини ва уни белгиланган мақсадига мувофиқ ишлатаётганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун хужжатлари талабларига мувофиқ назорат қилиш;

лизинг олувчининг розилиги билан лизинг обьекти ва унинг сотувчисини танлаш;

қонун хужжатларида ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг обьектини талаб қилиб олиш;

лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг обьектини қайтиб олган тарзда шартномани бекор қилишни талаб этиш.



Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th July, 2023

ISSN: 2835-5733

Website: econferenceseries.com

Юқорида санаб ўтилган хуқуқлардан маълум бўляптики шартномада лизинг берувчи асосий ролни ўйнайди, чунки шартномадан келиб чиқадиган барча ташкилий кўринишдаги вазифаларни асосан лизинг берувчи томонидан бажарилади¹.

О.Т.Хазракулов лизинг шартномаси механизимни ишга тушириш айнан лизинг берувчига боғлиқ бўлиб, у ихтисослашган лизинг компанияси бўладими, банкми ёки кредит ташкилотими у бир хилда мазкур муносабатга таъсир кўрсата олади², – деб таъкидлайди.

Хусусан, қонунчилигимизда агар лизинг обьекти лизинг берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса ёки лизинг шартномаси шартларига номувофиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилиги билан ўзи лозим даражада бажармаган лизинг шартномаси шартларини тузатиб бажаришга ёки лизинг олувчига бошқа лизинг обьектини таклиф этишга ҳақлилиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин.

Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тезлаштиришни ёки лизинг обьектини қайтариб олган ва заарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш хуқуқига эга (ФКнинг 597-моддаси 3-4-қисмлар).

Лизинг берувчининг шартнома бўйича мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши;

Лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиш (ФКнинг 591-моддаси);

лизинг обьектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг

¹ Иванов Д.А. Права и обязанности лизингодателя и лизингополучателя // Вестник Московского университета МВД России. 2016. – № 7. – С.175-177.

² Хазраткулов О.Т. Лизинг муносабатлари ва уларни хуқуқий тартибга солиш муаммолари: юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент: 2006. – 92 б.



Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th July, 2023

ISSN: 2835-5733

Website: econferenceseries.com

олувчи олдида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва түлиқ ҳажмда бажариши шарт.

Лизинг берувчи лизинг объектини лизинг оловчига шартнома шартларига жавоб берадиган ҳолатда ва унда келишилгандын муддатда топшириши шарт³.

Агар лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари ёки йўл қўйган камчиликлари туфайли мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк етказиб берилган бўлса, бунинг учун у лизинг оловчи олдида жавобгардир (ФКнинг 594-моддаси).

Лизинг берувчи қонун хужжатларида белгиланган бошқа хуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мужбуриятларни бажариши мумкин.

Шартномани амалга оширишнинг муҳим босқичларидан бири лизинг оловчи томонидан лилинг объектини қабул қилиниши ҳисобланади, бунда тегишли тартибда қабул қилиш ва топшириш далолатномаси тузилади. Фуқаролик кодекси ва “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасида лизинг оловчининг хуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, унга кўра лизинг оловчи қўйидаги хуқуқларга эга:

лизинг объектини мустақил аниқлаш ва сотувчини танлаш;

лизинг берувчидан лизинг шартномасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш;

сотувчига лизинг объекти олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаши ва ҳоказолар хусусида талаблар қўйиш (Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 12-моддаси).

Мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирда, лизинг оловчи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса:

лизинг тўловларини тўхтатиб туриш;

³ Левушкин А.Н. Правовое регулирование и реализация прав и обязанностей лизингодателя, лизингополучателя и продавца как субъектов малого и среднего бизнеса в россии // Журнал предпринимательского и корпоративного права. 2016. – № 2. – С. 47-52.



Етказиб берилаётган мол-мулкни рад этиш ва лизинг шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли. Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилингандыкта лизинг олувчи вақти-вақти билан бүнак сифатида түлөгөн пулларини ва бошқа суммаларни лизинг объектидан фойдаланиш даврида олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли⁴. Мазкур ҳуқук ва мажбуриятлардан маълум бўладики, лизинг шартномаларида лизинг олувчи лизинг объектини қўриқлаш ва ундан фойдаланиш бўйича шартларни қатъий бажаришга ҳаракат қиласи.

Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилингандыкта лизинг олувчи илгари бўнак сифатида түлөгөн пулларини, лизинг объектидан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 595-моддаси).

Агар лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулк шу шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддатда лизинг олувчига топширилмаган бўлса, лизинг берувчи жавобгар бўладиган ҳолатлар туфайли муддат ўтказиб юборилган тақдирда, лизинг олувчи шартномани бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 592-моддаси).

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида шартнома юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган мол-мулкини лизинг берувчининг розилиги билан қўшимча лизингга топширишга ҳақли (ФКнинг 596-моддаси).

Учинчи шахс ундирувни лизинг объектига қаратганда лизинг олувчи лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини мулк қилиб олиш билан бир пайтда лизинг шартномаси бўйича тегишли лизинг тўловлари қолдигини лизинг берувчининг қолган даврда оладиган даромадини чегириб ташлаган ҳолда бир йўла тўлашга ҳақли (“Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси). Лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчига бу мол-мулкни топшириш пайтида ўтади (ФКнинг 593-моддаси).

⁴ Перов О., Смирнова А. Защита прав лизингополучателя при непередаче предмета лизинга // Хозяйство и право. 2015. – № 8 (463). – С.58-63.



Лизинг олувчининг шартнома бўйича мажбуриятлари қуидагилардан иборат: Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаши, мол-мулқдан уни етказиб бериш шартларига мувофиқ фойдаланиши, уни соз ҳолда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини бажариши, сақлаш бўйича бошқа харажатларни амалга ошириши шарт.

Лизинг шартномаси бекор қилинганида лизинг олувчи мол-мулкни лизинг берувчидан олган ҳолатида унинг нормал эскиришини ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, қайтариб беришга мажбур (ФКнинг 597-моддаси).

Лизинг олувчининг лизинг обьектини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатишга доир ҳуқуқи ва мажбурияти сотувчи билан алоҳида тузилган шартномада белгиланиши мумкин.

Лизинг олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин (“Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси).

Лизинг муносабатларининг учинчи томони бўлиб лизинг обьектини лизинг берувчига топшириш мажбуриятини олган сотувчи яъни ускуналарни етказиб берувчи ҳам қатнашади. Мазкур фаолият лизинг шартномасида сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларикелтириб чиқаради.

Сотувчи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни бажаради. Қонун ҳужжатларида лизинг олувчи сотувчига олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни бевосита тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилгани сабабли ушбу шартноманинг шартлари лизинг олувчига етказиши ёки у билна келишиб олиниши зарур. Бу ҳол биринчи навбатда олди-сотди шартномасининг етказиб бериш муддати ва жойи, лизинг обьектини қабул қилиш тартиби, сифат ва миқдори бўйича даъволар тақдим этиш ва бошқа шартлар лизинг шартномасининг барча тарафлари учун биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги билан боғлиқ.

Хусусан, лизинг шартномасида ёки олди-сотди (маҳсулот етказиб бериш) шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг лизинг олувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари лизинг берувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларидек



бўлади. Бунда лизинг олувчи лизинг обьекти олди-сотди шартномасини бекор қилишга ёки уни ҳақиқий эмас деб топишга ҳақли эмас (Лизинг тўғрисидаги қонуннинг 13-моддаси). Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу шартнома обьекти бўлган мол-мулк сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади (ФКнинг 592-моддаси).

Сотувчи – лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини билиши шарт. “Лизинг тўғрисида” ги қонун (11-модда 2-қисми) агар, лизинг обьекти лизинг берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса ёки лизинг шарт номаси шартларига номувофиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилиги билан ўзи лозим даражада бажармаган лизинг шарт номаси шартларини тузатиб бажаришга ёки лизинг олувчига бошқа лизинг обьектини таклиф этишга ҳақли эканлиги назарда тутатди.

“Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг ушбу моддаси 3-қисмida лизинг берувчининг қуидаги мажбуриятлари назарда тутилган: лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши; лизинг олувчи учун мол-мулк олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиши; лизинг обьектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг олувчи олдида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ хажмда бажариши шарт. Бундан ташқари қонунда шундай қоида билдирилганки, унга қўра, лизинг берувчи қонун хужжатларида белгиланган бошқа хуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкинлиги таъкидланган. Мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечикириб етказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи, агар шарт номада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса лизинг тўловларини тўхтатиб туриш; етказиб берилётган мол-мулкни рад этиш ва лизинг шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли. Лизинг шарт номаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи илгари бўнак сифатида тўлаган пулларини, лизинг обьектидан фойдаланишдан олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб,



ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли. Лизинг шартномасининг муддати тугагач, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг обьекти лизинг олувчининг мулки бўлиб қолади.

“Лизинг тўғрисида” ги қонуннинг 12-моддаси қоидаларига мувофиқ лизинг олувчи қуидаги хукуқларга эга:

Лизинг обьектини мустақил аниқлаш ва сотувчини танлаш; лизинг берувчидан лизинг шарт номасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш; сотувчига лизинг обьекти олди-сотди шарт номасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаши ва ҳ.к. хусусида талаблар қўйиш; лизинг обьекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёкт сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг обьекти етказиб берилган тақдирда агар шарт номада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг тўловларини тўлашни тўхтатиб туриш, етказиб бериладиган лизинг обьектидан воз кечиш ва лизинг шартномасини бекор қилинишини талаб қилиш.

Лизинг шартномасини тарафларининг хукуқий нуқтаи назардан ўзаро боғлиқлиги масаласи ҳам бугунги кунда муаммоли ҳолатлардан саналади. Жумладан, лизинг берувчи – лизинг олувчи – сотувчининг лизинг операциялари бўйича хукуқ ва мажбуриятларининг ўзаро тақсимоти лизинг олувчилар манфаатларининг таъминланганлиги нуқтаи назардан етарли эмас. Кўп ҳолларда лизинг олувчи ўзига лизинг асосида берилган техника воситаларининг бутлиги, техника кафолатга жавоб бериши, нуқсонларининг мавжудлиги борасидаги эътиrozлари ва талаблари бажарилмасдан қоладики, бу ҳолатда тадбиркорлик фаолиятининг изчили амалга оширилишига тўсқинлик қиласи. Шу сабабли мазкур масалада лизинг олувчиларга нисбатан қонунчиликда маҳсус кафолатлар тизимини белгилаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иванов Д.А. Права и обязанности лизингодателя и лизингополучателя // Вестник Московского университета МВД России. 2016. – № 7. – С.175-177.
2. Имомов, Н. (2018). The tasks of the Civil Code: Regulation of Social Relations or Determination Of Rights. *Юридик фанлар аҳборотномаси*, (1), 43-49.



**Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies
Hosted online from Moscow, Russia**

Date: 11th July, 2023

ISSN: 2835-5733

Website: econferenceseries.com

3. Хазратқұлов О.Т. Лизинг муносабатлари ва уларни ҳуқуқий тартибга солиши мұаммолосы: юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент: 2006. – 92 б.
4. Ibrohimov, A. A. M. O. G. (2023). IJARA MUNOSABATLARIDA IJARA HAQINI TO'LASH BILAN BOG'LIQ MASALALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 607-612.
5. Левушкин А.Н. Правовое регулирование и реализация прав и обязанностей лизингодателя, лизингополучателя и продавца как субъектов малого и среднего бизнеса в россии // Журнал предпринимательского и корпоративного права. 2016. – № 2. – С. 47-52.
6. Имомов, Н. (2020). ЭСТОППЕЛЬ И ЕГО ВЫРАЖЕНИЕ В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ. *Review of law sciences*, 2(Спецвыпуск), 43-48.
7. O'G'Li, A. A. M. (2022). KORPORATSIYA USTAV KAPITALI FUNKSIYALARI VA UNGA OID MILLIY QONUNCHILIK NORMALARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI. *Academic research in educational sciences*, 3(8), 109-113.
8. Перов О., Смирнова А. Защита прав лизингополучателя при непередаче предмета лизинга // Хозяйство и право. 2015. – № 8 (463). – С.58-63.